

**“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг
2022 йилнинг 1 чорак даври ҳисоботи**

Тафтиш комиссияси раиси У.Т. Тураев ҳамда аъзолари Н.Д. Сагдуллаева ва Х.Б. Назаровлар томонидан 2022 йилнинг 1-чорак даврининг молиявий ҳисоботлари куйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2022 йил 1 апрел ҳолатига ходимлар ўртача сони 716 кишини ташкил этган. 2021 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 36 кишига камайган.

2022 йил 1 апрел ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 3 470 140 сўмни ташкил этган. 2021 йил 1 апрел ҳолатига нисбатан 556 956 сўмга ошган.

2022 йил 1 чорак даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб **11 503 328 минг сўмга тенг**. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – **10 919 186 минг сўмни**,
- Бошқа даромадлар – **584 142 минг сўмни** ташкил этган.

Жамиятнинг 2022 йил 1 апрел ҳолатига жами бўлиб харажатлари **11 987 617 минг сўмни** ташкил этган.

Шулардан,

- Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннари **10 418 474 минг сўмни**;
- Давр харажатлар жами бўлиб **1 569 143 минг сўмни** ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – **861 728 минг сўмни**;
- бошқа операцион харажатлар – **707 415 минг сўмга тенг**.

2022 йил 1 чорак ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда **99 853 минг сўмни** ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса **83 097 минг сўмни** ташкил этади.

2022 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 435 693 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 651 745 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 7 783 948 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни апрел ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 354 547 минг сўмни, эскириш қиймати 9 732 055 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 7 622 492 минг сўмни ташкил этган.

2022 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 9 286 222 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 162 145 минг сўмга кўпайиб 1 апрел ҳолатига 9 448 367 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

Аналитик расшифровка илова қилинади:

Кўрсаткичлар номи	2022 йил 1 январ ҳолатига		2022 йил 1 апрел ҳолатига	
	минг сўм	%да	минг сўм	%да
Дебиторлар, жами:	9 286 222	100	9 448 367	100
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900нинг айирмаси)	1 904 792	20,51	4 160 489	44,03
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	7 046 437	75,88	4 720 637	49,96

Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	23 860	0,26	39 423	0,42
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	105 009	1,13	132 181	1,40
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	176 741	1,90	346 544	3,67
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	17 423	0,19	10 114	0,11
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)			46	0,0005
Бошқа дебитор қарздорликлар (4800)	11 960	0,13	38 933	0,41

2022 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 15 776 119 минг сўмни ташкил этган бўлса 2022 йил 1 апрел ҳолатига эса 4 687 920 минг сўмга кўпайиб 20 464 039 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик мавжуд эмас.


Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жихатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Такдим этилган маълумотларга кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслар билан тузилган шартномалари 2022 йил 1 чорак даврида 1 та аффилиланган шахс билан шартнома тузилган. Аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ
тафтиш комиссияси раиси


Тафтиш комиссияси аъзолари



У.Т. Тураев



Н.Д. Сагдуллаева



Х.Б. Назаров